



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ
ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда қурилиш ва бунёдкорлик ишларига қаратилган юксак эътибор натижасида соҳада улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, уларни замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида ривожлантириш ҳамда аҳолининг уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитини яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида бугунги кунда мамлакатимизда қурилиш-бунёдкорлик майдонига айланди.

Мазкур қурилиш-бунёдкорлик ишларини амалга ошириш учун республикамизда 23,8 мингта пудрат ташкилотлари, 31 та бош лойиҳа институти ва 1000 га яқин лойиҳа ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда қурилиш соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш бўйича 3 та архитектура ва қурилиш институти фаолият олиб бораётган бўлиб, Шунингдек, 12 та олий таълим муассасаси ҳамда 390 та касб-ҳунар коллежидида қурилиш соҳаси учун мутахассис кадрлар тайёрланади.

2017 йилда республикамиз бўйича барча манбалар ҳисобидан жами 37,5 триллион сўм ҳажмда қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилга нисбатан 120,5 фоизга ўсиш кузатилади. Натижада жорий йилда жами 15 мингта арзон намунавий уйлар, 191 та арзон кўп қаватли уйлар ва 2,5 мингта ижтимоий соҳа объекти фаойланишига топширилади.

Тасдиқланган мақсадли дастурлар доирасида арзон намунавий уй-жойлар, кўп қаватли уйлар ва ижтимоий соҳа объектиларидан ташқари, йирик иншоотлар ва инфратузилма объектилари ҳам фойдаланишга топширилмоқда. Жумладан, сўнгги йилларда Тошкент шаҳрида «Бунёдкор» стадиони, «Хаят Риженси» меҳмонхонаси, «Инҳа» университет филиали, «Минор» масжиди, Фарғона шаҳрида санъат саройи ва футбол стадиони, Жиззах шаҳрида стадион ва универсал спорт комплекси, Урганч шаҳрида универсал спорт комплекси ва Навоий давлат кончилик институти бино-иншоотлари замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида барпо этилди.

Қурилиш соҳасини жадал ривожлантириш, қурилишда янги технологиялар ва энергия тежамкор

материалларни қўллаш, қурилиш-пудрат ва лойиҳа ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва улар учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини кучайтириш соҳа ривожининг янги даврини бошлаб берди.

Соҳада кенг қўламли ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида бугунги кунга келиб қурилиш соҳаси ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди.

Республикада амалга оширилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишларини жадаллаштириш, бугунги кунда соҳада қўлга киритилган ютуқларни кенг тарғиб этиш ва соҳада фаолият олиб бораётган мутахассисларни рағбатлантириш мақсадида, шунингдек, соҳада меҳнат қилаётган кенг жамоатчиликнинг тақлифларини инобатга олиб:

1. 2017 йилдан бошлаб август ойининг иккинчи яшанба кунини «Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини» деб эълон қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари, «Давархитект-қурилиш» қўмитаси, мутасадди вазирилик, идора, ҳўжалик бирлашмалари ва ташкилотлар «Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини» нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига «Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини» нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси икки ой муддат ичинда «Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини» нишонлаш бўйича тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А.Ж.Раматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ
МИЛЛИЙ КИНЕМАТОГРАФИЯНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз кино санъати бир асрдан зиёд тарихга эга бўлиб, ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бу давр мобайнида ўзбек киносининг пойдевори яратилиб, у халқимизнинг маданий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллади.

Мустақиллик йилларида миллий кинематография ривожига давлатимиз томонидан қаратилаётган катта эътибор натижасида соҳада муайян ютуқларга эришилди. Мазмун ва шакл жиҳатида ранг-баранг кино асарлар яратилиб, улар томошабинлар эътиборини қозонди.

Айни вақтда бугун жаҳонда кечяётган глобаллашув жараёнлари, мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг устувор вазифалари барча соҳа ва тармоқлар қаторида кино санъати фаолиятини ҳам такомиллаштириш, соҳа ривожини унчи имкониятлар яратишни талаб этмоқда.

Қайд этиш керакки, кинематография соҳасида норматив-ҳуқуқий базанинг мукамал эмаслиги, кино ишлаб чиқаришнинг етакчи корхоналар, жумладан «Ўзбекфильм», «Қорақалпоқфильм» ҳамда «Илмий-оммабон ва ҳужжатли фильмлар» киностудияларининг моддий-техник базаси жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган, кинофильмларни молиялаштириш тизимининг бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, кинотеатрлар ва малакали кадрлар етишмаслиги соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга асосланиб, халқимиз, аввало, ёшлар онгига миллий истиқлол боғларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдиришда катта таъсир кўчига эга бўлган кино санъатининг ролини ошириш, «Ўзбекино» Миллий агентлигининг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ;

Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури 2-иловага мувофиқ;

«Ўзбекино» Миллий агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси

3-иловага мувофиқ;

«Ўзбекино» Миллий агентли-

гининг «Қорақалпоқкино» агентлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларининг намунавий тузилмалари 4- ва 5-иловаларга мувофиқ;

«Республика кинофонди» давлат унитар корхонасининг тузилмаси

6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

«Ўзбекино» Миллий агентлиги қошида Ўзбекистон кино арбоблари ижодий уюшмаси юридик шахс сифатида ташкил этилсин ва унинг тузилмаси 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

«Ўзбекино» Миллий агентлиги учун давлат буюртмасига асосан миллий кино махсулотларини яратиш йиллик ишлаб чиқариш ҳажми кўпайтириш бўйича прогноз кўрсаткичлари белгилансин;

2018 йилда — 20 та, 2020 йилдан бошлаб — 30 тадан тўлиқ метражли бадиий фильмлар ишлаб чиқариш;

2018 йилда — 40 қисмдан иборат 20 та, 2019 йилда — 50 қисмдан иборат 25 та ва 2020 йилдан бошлаб — 60 қисмдан иборат 30 та ҳужжатли, илмий-оммабон, ўқув-услубий фильмлар, киносолномалар, киножурналлар ишлаб чиқариш;

мультипликацион фильмларни 2018 йилда 15 та, 2022 йилдан бошлаб ҳар йили 50 тадан ишлаб чиқариш;

ёш кино ижодкорларнинг 10 соатдан иборат қисқа метражли фильмлари, болалар учун юмористик киножурналлар суратга олиш;

давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқарилган фильмларни жаҳон бозорига чиқариш ва фестивалларда намойиш этиш учун чет тилларга субтитрлаштириш ва дубляж қилиш;

миллий кинематографиянинг энг сара асарларини тиклаш, реставрация қилиш ва замонавий форматга ўтказиш.

3. Миллий кинематография санъатини замон талаблари асосида ривожлантириш, ёш кино ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ўзбекино» Миллий агентлиги ҳузурда Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ташкил этилсин ва унинг маблағларини

шакллантиришнинг манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

давлат буюртмаси ва Жамғарма маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқарилган фильмларнинг кинопрокатидан тушадиган маблағлар;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини қонун ҳужжатлари га мувофиқ бўлган депозитлари шаклида ва бошқа шаклларда жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

«Ўзбекино» Миллий агентлиги томонидан кино ва бошқа маданий-ижтимоий тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ бўлган фаолиятдан олиннадиган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг ҳомийлиги хайриялари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. «Ўзбекино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг кинофильмлар намойишини самарали ташкил этиш, аҳоли, айниқса ёшларга маданий хизмат кўрсатиш учун шароит яратиш мақсадида мамлакатимиздаги мавжуд ёшлар марказлари, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, лицей ва коллежларнинг биноларидан фойдаланган ҳолда, «Ўзбекино» Миллий агентлиги ҳузурда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда таркибиди кичик киностудиялари ва замонавий форматдаги кинозаллари бўлган минтақавий маданий-кўнгилочар комплекслар (кейинги ўринларда комплекслар деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ва «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» давлат унитар корхонаси 2018 йил 1 январгача «Ўзбекино» Миллий агентлигининг техник топшириғи ва хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ҳар томонлама ўрганиш асосида комплексларнинг намунавий лойиҳасини ишлаб чиқсин, унинг майдонларида замонавий кинозалларни (2-қават), шунингдек, савдо-кўнгилочар объектиларни (1-қават) жойлаштиришни назарда тутсин.

6. «Ўзбекино» Миллий агентлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик, Ёзувчилар уюшмаси, Ташқи ишлар вазирилик билан биргаликда:

Кинематография соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш мақсадида «Ўзбекино» Миллий агентлиги қошида атоқли кино ижодкорлар дарс берадиган малака ошириш курсларини ва «Маҳорат мактаблари»ни ташкил этиш;

Мамлакатимизнинг ёш, истеъдодли ва истикболли кино ижодкорлари малакасини ошириш мақсадида уларнинг тегишли етакчи хорижий таълим муассасаларида мунтазам равишда таҳсил олишига зарур шарт-шароитлар яратиш юзасидан 2018 йилнинг 1 январига қадар Вазирилар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

Белгилаб қуйилсинки, мазкур бандда кўрсатилган чора-тадбирлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

7. «Ўзбекино» Миллий агентлигининг фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

«Қорақалпоқкино» агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимларини 1 тадан «Дамас» русумли автомашина билан таъминлаш;

«Қорақалпоқкино» агентлиги ва вилоятлар ҳудудий бўлимларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан сақланадиган 4 тадан кўшимча штат бирлиги ажратиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

8. Белгилаб қуйилсинки:

«Ўзбекино» Миллий агентлигининг марказий аппарати, «Қорақалпоқкино» агентлиги ва ҳудудий бўлимларини сақлаш, шунингдек, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади;

Ўзбекистон кино арбоблари ижодий уюшмасини сақлаш харажатлари Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

миллий кино махсулотларини яратишнинг белгиланган йиллик ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик:

«Ўзбекино» Миллий агентлиги марказий аппарати га 3 та шахсан бириктирилган ва 1 та навбатчи хизмат автотранспортини сақлаш учун лимит ажратсин;

«Республика кинофонди» давлат унитар корхонасининг фаолиятини, 2020 йил 1 январдан

бошлаб ўзини ўзи молиялаштиришга ўтиш шarti билан, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрларида ижтимоий соҳага назарда тутилган маблағлар доирасида молиялаштирилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2017 йилги параметрлари доирасида «Қорақалпоқкино» агентлиги, вилоятлар Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимларини 1 тадан «Дамас» русумли автомашина билан таъминлаш учун зарур маблағларни «Ўзбекино» Миллий агентлигига ажратсин.

10. «Ўзбекино» Миллий агентлиги:

Адлия вазирилик билан биргаликда давлат унитар корхоналари шаклида ташкил этиладиган минтақавий маданий-кўнгилочар комплекслар тўғрисидаги Низомни уч ой муддатда ишлаб чиқсин ва Вазирилар Маҳкамасига киритсин;

давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқариладиган кинофильмларнинг гоъвий-бадиий савияси, мазмун-моҳияти ҳамда профессионал даражасини ошириш мақсадида соҳа намояндлари, тажрибали етуқ мутахассислардан иборат Бадиий кенгаш таркибини шакллантириб, унинг Низомини ишлаб чиқсин ҳамда мутасадди вазирилик ва идоралар билан келишилган ҳолда икки ой муддатда тасдиқласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси уч ой муддатда:

мазкур қарор ижросини таъминлашга қаратилган, шу жумладан, Ўзбекистон кино арбоблари ижодий уюшмаси ва Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлашни назарда тутувчи ҳукумат қарорини қабул қилсин;

12. «Ўзбекино» Миллий агентлиги манфаатдор вазириликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирилар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.М.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 7 август

Ш.МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКISTON ХДП: ЯНГИ ТАЛАБ, ЯНГИ ВАЗИФАЛАР
ДОЛЗАРБ ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН
АНИҚ ВА ҚАТЪИЙ ПОЗИЦИЯ БИЛДИРИЛИШИ ЗАРУР



Пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг VIII пленуми очик мулоқот тарзида ўтказилди. Унда Президентимизнинг «**Парламентимиз ҳақиқий демократия ташаббускори ва асосий ижро-чи бўлиши керак**» номида маърузасидан келиб чиқиб, партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари олдига турган устувор вазифалар белгила олindi.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар вакиллари билан бирга, партиянинг 194 туман ва шаҳар кенгашлари раҳбарлари ҳам қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 7 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ШАРХ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев яқинда Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан бўлган учрашувда маданият, адабиёт ва санъат соҳасини ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан муҳим чора-тадбирлар белгилаётгани, жумладан, қатор фармон ва қарорлар лойиҳаси тайёрланаётгани ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган эди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ана шу муҳим ҳужжатлардан биринчиси — «Миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор имзоланди.

Қарорда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга асосланиб, халқимиз, аввало, ёшлар онига миллий истиқлол гоёларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини синдиришда катта таъсир кучига эга бўлган кино санъатининг ролини ошириш, «Ўзбекино» Миллий агентлигининг фаолиятини такомиллаштириш борасида муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Қарорга мувофиқ миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари, «Ўзбекино» Миллий агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси, «Қорақалпоқкино» агентлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларининг намунавий тузилмалари, «Республика кинофонди» давлат унитар корхонасининг тузилмаси тасдиқланди.

Шунингдек, «Ўзбекино» Миллий агентлиги қошида Ўзбекистон кино арбоблари ижодий уюшмаси юридик шахс сифатида ташкил этилди ва унинг тузилмаси тасдиқланди.

Қарорда «Ўзбекино» Миллий агентлиги учун миллий кино маҳсулотларини яратиш бўйича йиллик ишлаб чиқариш ҳажмининг прогноз кўрсаткичлари белгилаб берилган бўлиб, унга кўра, Давлат буюртмасига асосан, 2018 йилда — 20 та, 2020 йилдан бошлаб — 30 тадан тўлиқ метражли бадиий фильмлар тайёрланади.

Шу билан бирга, 2018 йилда — 40 қисмдан иборат 20 та, 2019 йилда 50 қисмдан иборат 25 та ва 2020 йилдан бошлаб — 60 қисмдан иборат 30 та ҳужжатли, илмий-оммабоп, ўқув-услубий фильмлар, киносолномалар, киножурналлар ишлаб чиқариш белгиланган.

Ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин тутадиган мультипликацион фильмлар 2018 йилда 15 та, 2022 йилдан бошлаб эса 50 тадан ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Қарорга биноан яна бир тузилма — миллий кинематография санъатини замон талаблари асосида ривожлантириш, ёш кино ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ўзбекино» Миллий агентлиги ҳузурида Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилмоқда.

Қарорда «Ўзбекино» Миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан билдирилган тақдирлар асосида кинофильмлар намоишини самарали ташкил этиш, аҳоли, айниқса, ёшларга маданий хизмат кўрсатиш учун шароит яратиш мақсадида мамлакатимиздаги мавжуд ёшлар марказлари, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, лицей ва коллежлар биноларидан фойдаланган ҳолда, «Ўзбекино» Миллий агентлиги ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда таркибида кичик киностудиялари ва замонавий форматдаги кинозаллари бўлган минтақавий маданий-кўнгилчолар комплекслар бунёд этиш вазифаси белгиланган.

Айни вақтда кинематография соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш мақсадида «Ўзбекино» Миллий агентлиги қошида малака ошириш курслари ташкил этилади, атоқли кино ижодкорлар дарс берадиган «Маҳорат мактаблари» фаолияти йўлга қўйилади.

Мамлакатимиздаги ёш, истеъдодли ва истиқболли кино ижодкорларнинг малакасини ошириш мақсадида уларнинг хориждаги тегишли етакчи таълим муассасаларида мунтазам равишда таҳсил олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилади.

Давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқариладиган кинофильмларнинг гоёвий-бадиий савияси, мазмун-моҳияти ҳамда профессионал даражасини ошириш масаласига ҳам қарорда алоҳида эътибор қаратилиб, шу мақсадда кино соҳасининг етук намоёндалари ва тажрибали мутахассислардан иборат Бадиий кенгаш тузилиши белгиланган.

БИЗГА ВАТАН ВА ХАЛҚ, МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚОДИР ЖУРНАЛИСТЛАР КЕРАК

Президент эътибори ва ишончи қувонтиради, масъулиятни оширади, янги марраларга руҳлантиради

Бу учрашувни, тўғриси, ҳаяжон билан кутгандик, фаолиятимиз чуқур таҳлил этилиши, камчиликлар ва муаммолар тўғрисида фикр юритилиши, янги тақдирлар, ташаббуслар илгари сурилиши ҳам билардик.

Аммо таҳлиллар бунчалик чуқур ва кенг қамровли бўлишини, ижод аҳли фаолияти ва ҳаётига оид масалалар ипидан-игнасигача ўрганилишини кутмагандик.

Бу учрашувнинг энг ҳайратланарли ва қувончли жиҳатларидан яна бири шундаки, агар «тила тилагини», деб сўралганида ҳам, биз ўзимиз учун бунчалик кўп имтиёزلарни сўраш ҳаёлимизга келмасди ёки журъат этишимиз қийин эди.

Узоқ йиллар молиявий муаммолар билан яшашга кўникиб қолган, баҳоли қудрат фаолият кўрсатиб келётган ижодий ташкилотларни ҳам маънавий, ҳам моддий томондан қўллаб-қувватлаш бўйича амалий ташаббуслар илгари сурилди. Мамлакатимизнинг иқтисоди бақувват корхоналари, банк ва компаниялар ижодий ташкилотларни оталиққа оладиган бўлди. Бу ташаббуснинг аввало, икки ибратли томонини эътироф этиш лозим. Биринчидан, ижодий ташкилотларнинг оёқ-қўлини боғлаб турган молиявий муаммолари ҳал бўлади, уларнинг моддий-техник базаси, шароитлари яхшиланади, соғлом ижодий муҳит яратилади. Иккинчидан, бу ташаббус маънавий-маърифий тарбияга хизмат қилади, халқни руҳан бирлаштиради. Маънавият ва оммавий ахборот воситаларига жойлардаги катта-кичик раҳбарларнинг, жамоатчиликнинг муносабатини ўзгартиради. Буларнинг ҳаммаси жамиятда ижодкорларни қадрлашга, маънавиятни ҳужжатлаштиришга, одамларнинг дунёқарашини ўзгартиришга, соғлом авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

Шунингдек, яна бир ҳақиқатни тан олишимизга тўғри келади. Президент маърузасида айтилган фикрлар, илгари сурилган гоёлар, вазифалар билан ўзимизнинг бугунги фаолиятимизни қиёслаб, хулоса чиқарсак, ишимиздан кўнглимиз мутлақо тўлмади, албатта.

Масалан, биз журналистлар учун яратилаётган имтиёзлар ва шароитларга эътибор қаратайлик. Аввало, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмасининг фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини кучайтириш бўйича қарор лойиҳаси устида иш олиб борилаётгани айтилди.

Ушбу қарорда уюшманинг молиявий манбаларини яхшилаш, вилоят бўлимларининг моддий-техник базасини кучайтириш, уюшма ходимларининг меҳнат шароитларини яхшилаш каби муҳим масалалар ўз

ифодасини топиши айтилди.

Уюшма ва унинг бўлимлари қандай аҳволда фаолият кўрсатиб келаятигани кўпчилигимизга яхши маълум. Демак, энг оғриқли масалаларимиздан бири ҳал бўлмоқда.

Олқишга сазовор янгилликлардан яна бири — «ижодий соҳада, жумладан оммавий ахборот воситаларини бугунги талаблар асосида янада ривожлантириш мақсадида солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича белгиланган қўшимча имтиёз ва преференциялар мuddатини яна 5 йилга узайтириш чора-тадбирлари» қўрилаётгани бўлди.

Нукус ва Тошкент шаҳарларида, барча вилоятлар марказларида имтиёзли кредит асосида «Ижодкорлар

шундаки, ижодкор дам олиш, роҳатланиш учун ёки бекорчиликдан ёзмайди. Нимадандир қувонса, фахрланса ёки қайғурса, оғринса, ташвишга тушса ёзади. Жамиятдаги камчиликларга жамоатчилик эътиборини қаратиш ёки давлат сиёсатини халққа етказиш учун ёзади. Ёшларга маърифат, зиё улаштириш, одамларни инсофга, диёнатга қақариш учун ёзади. Ҳаётий тажрибага эга бўлган ижодкорларнинг бу боралда айтилган гапи асослироқ, таъсирлироқ бўлади.

Энди ўйлаб кўрайлик, «мен пенсиядан, ҳеч нарса билан ишим йўқ», деб юрт тақдирига берафқ қараган яхшими ёки она Ватани, халқини ўйлаб нимадир ёзган, яратган

керак? Бу саволга жавобни ҳар кимнинг ўзи топгани маъқул. Бугунги вазифалар аҳамиятини чуқур тушунган, ўз бурчини дилдан ҳис этган киши нима иш қилиши кераклигини англаб етади. Бош вазифа аниқ — жамиятимиз ҳаётида, мамлакатимиз тараққиётида гоёт муҳим аҳамиятга эга бўлган адабиёт, санъат, маданиятни, оммавий ахборот воситалари ривожини бугунги давр талаб этаётган босқичга олиб чиқиш. Бунга эришиш учун маърузада янги-янги ташаббуслар илгари сурилди. Масалан, «Ўзбекконцерт» қошида «Ўзбекистон халқ артистлари» клубини ташкил этиш тақдирга яқдиллик билан қўллаб-қувватланди. Бундан мақсад — санъат оламида юз бераётган ижодий жараёнларни ўрганиб, муҳокама қилиб, хулоса чиқариб бориш, маданиятимиз ривожига хизмат қиладиган тақдирларни ўрганиш, ёш истеъодларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш каби вазифалар кўзда тутилган. Бу ибратли ташаббус.

Бизнинг соҳада «Ўзбекистон халқ журналисти» унвони йўқ. Шу боис «Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси» қошида «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналистлар мактаби»ни очиб мумкин. Ёки «Устоз журналистлар» клуби ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Президентимиз маърузасида кўтарилган масалалардан келиб чиқиб, фикрласак, бугун миллий журналистикаимизни ривожлантириш бўйича ҳам янги ислохотларни ўтказиш лозимлигини англаймиз. Журналистика факультетларига қабул жараёндан тортиб ўқитиш, амалиёт ўташ масалаларига қайта кўриб чиқишни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Ҳозир дунёда ахборотга эгалик қилиш учун кескин кураш бораётган, ахборот хуржлари авж олаётган, геосиёсий манфаатлар тўқнашуви кучайиб, сиёсий ўйинларнинг янги-янги турлари пайдо бўлаётган бугунги нотинч шароитда бизга қандай журналистлар керак? Ватан ва халқ манфаатини доимо ҳимоя қилишга қодир журналистлар керак. Бугунги журналист сиёсат арбоби бўлмоғи лозим. Бунинг учун чуқур билим, юксак маҳорат, уйғоқ қалб, Ватанга чексиз муҳаббат керак.

Ўшанда мамлакатимиз тараққиёти янги босқичга олиб чиқиш учун бораётган тарихий ислохотларда фаол иштирок этамиз. Ўшанда юксак ҳурмат ва эътиборга муносиб бўламиз, ўшанда Президент ишончини оқлаган бўламиз.

Сафар ОСТОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.



уйлари»ни барпо этиб, энг фаол ижодкорларга, шунингдек, ёш истеъодларга квартиралар ажратилиши барчамизни бирдай қувонтирди. Бу ташаббус замирида ижодкорларни қўллаш, ижтимоий ҳимоя қилиш, ёш истеъодларини асраб-авайлаб, қўллаб-қувватлаб вояга етказишдек улғуниятлар мужассам.

Яна бир оғир масалага ечим топилмади. Маълумки, шу пайтгача пенсия ёшидаги ижодкорлар энг кам иш ҳақининг 2 баробаридан кўп миқдорда қалам ҳақи олса, унинг пенсиясидан ярмини ушлаб қолишдек номаъқул, мантиқсиз тажрибага чек қўйилади бўлди. Бундай гайритабиий ҳужжатни ишлаб чиққан молиячилар ижодкорнинг қалам ҳақини, яъни даромадини ҳисобга олишни билган, аммо мақола ёзиш учун кетадиган харажат — электр қуввати, қоғоз, қалам, компьютер ишлатишини ҳисобга олишга ақли етмаган. Буни тушунмаган одам мақола ёзиш асар ёзиш азобини қаердан билсин. Ижод қилиш учун уйқудан, ҳузур-ҳаловатдан воз кечиб, вақтни, асабни сарфлаш керак бўлади.

Масаланинг яна бир жиҳати

киши яхшими? Албатта, пенсияда бўлишига қарамай жамият манфаати учун жон қойитган кишини қўллаймиз. Унда бундай кишиларни мукофотлаш ўрнига нега ёзгани учун жазолаётимиз, деган савол пайдо бўлади. Энди бу саволга ўрин қолмади. Минггаб пенсиядаги ижодкорлар кўксига шамол тегадиган бўлди.

Учрашув чоғида Президентнинг қатор тақдирларини иштирокчилар ўрнидан туриб олқишлашди. Чунки бу тақдирлар тўпланиб қолган ўткир муаммоларни ҳал этишга қаратилган эди.

Шулардан бири Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун рўйхатдан ўтиш масаласи эди. Қанчалаб истеъдодли ижодкорлар йиллаб ишлаб, рўйхатдан ўтолмай, уй-жой ололмай, қийналиб келаятиган эди. Мамлакатимиз раҳбари мазкур муаммо ечимини бўйича ҳам тақдирларини билдирди.

Бундай эътибор ва ғамхўрликлардан ҳар бир ижодкорнинг кўнгли тоғдек кўтарилгани табиий, албатта.

Аммо ҳаммамизнинг кўнглимизда бир савол айланади: Юксак ҳурмат, ишонч ва меҳрга муносиб жавоб қайтариш учун нима қилмоқ

АДАБИЁТИМИЗ ОЛДИДА ТУРГАН ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

Ушбу учрашувни телевидение орқали кўрганимдан бери кўнглим чароғон, руҳиятим энгил. Хушхабарлардан бошим осмонда. Қалам аҳлининг кўнгли тоғдек кўтарилди. Ижод аҳли учун янги имкониятлар эшиги очилди.

Кеча Президентимизнинг маърузасини газетада синчиклаб ўқигач, унда билдирилган фикрларни янада чуқурроқ англадим. Адабиётимиз олдида турган янгидан янги вазифалар, ижодкор зиёдиларимизнинг янада унумли ва баракали ишлашлари учун яратиб берилиши кўзда тутилган имтиёزلарни ўқиб, ҳам қувондим, ҳам ҳайратландим.

Тўғри, бунгача ҳам ёзувчи ва шоирлар учун қатор қўлайликлар яратиб берилганини таъкидлаш керак. Масалан, «Ижод» жамғармасининг ташкил қилиниши, «Ниҳол» мукофотининг тасвир этилиши, «Дўрмон» ёзувчилар ижод уйининг янгидан бунёд қилиниши... Лекин, Президентимизнинг ижод аҳли билан ўтказган бу учрашувининг нуфузи жуда

баланд бўлди, маданиятимиз ва адабиётимизнинг равнақи учун хизмат қиладиган тақдирлар билдирилди.

Президентимиз ушбу учрашувда Зомин ва Паркент туманларининг сўлим ва хушманзара худудларида замонавий ижод уйлари қурилиши режалаштирилаётганини айтганда, англадимки, адабиётимиз худо хоҳласа, кўтарилди, янада юксалади, тараққий этади. Бадиий жиҳатдан бетакрор асарлар яратилади. Қалам ҳақининг оширилиши, тартибга солиниши ҳам ижодкорлар меҳ-

нати қадрланаётганининг яна бир намунаси, деб ўйлайман.

Президентимизнинг «Неча йиллардан бери масала кўямиз — замонавий қаҳрамон образини яратайлик, деб. Лекин бирорта жиддий натижага эриша олдими?», деган саволдан қаттиқ таъсирландим. Бизнинг Фарғона мисолида оладиган бўлсак ҳам қаҳрамонлар етарли. Бунёдкор халқимиз олдида қарздорлигимизни яна бир бор чуқур ҳис этдим.

Мен ҳозир саксон тўрт

ёшданам. Кўп йиллик меҳнатларим истиқлол йилларида қадр топди. Мамлакатимиздаги гуркираб ўсишлар, юксалишлар, энг пешқадам давлатлар билан бўйлашиш учун қилинаётган шиддатли ҳаракатларни кўриб, илҳом оламани, қаламимни қўлдан қўйгим келмайди. Ижод аҳлига шундай катта имтиёзлар, қўлайликлар яратиб берилаётган бир пайтда ҳеч бир адиб лоқайд бўлишга ҳаққи йўқ, деб ўйлайман.

Охунжон ҲАКИМ,
Ўзбекистон халқ шоири.

Бу учрашув жамиятда маданият, санъат, маънавият, оммавий ахборот воситаларига муносабатни ўзгартиради.

ДОЛЗАРБ ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН АНИҚ ВА ҚАТЪИЙ ПОЗИЦИЈА БИЛДИРИЛИШИ ЗАРУР

Пленум аввалида 12 июль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши ёзиб олинган ҳолатда намойиш этилди. Шундан сўнг йиғилганлар кун тартибидagi масала юзасидан маърузачиларга сўз берилишини кутган эди. Лекин партия Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция раҳбари Ҳотамжон Кетмонов йиғилишни ноодатий тарзда, жонли мулоқот кўринишида ўтказишни таклиф қилди. Бу фикр барчага бирдек маъқул бўлди.

— Шу кунга қадар минбарда туриб, 3-4 нафар одамга сўз берилиши, уларнинг ёзиб келган ҳисоботларини эшитишдан иборат бўлган йиғилишлар оқибатида жойлардаги ҳақиқий аҳволдан ҳабаб қолганимиз, — деди Ҳотамжон Кетмонов. — Фаолиятимизга янгича ёндашуви ҳар биримиз ўзимиздан, ўз ишимиздан бошлашимиз зарур. Бугун мана шу принципга амал қилган ҳолда, сизлар билан очик мулоқот, музокара олиб борсак, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман. Олдимизда турган ҳар бир устувор масала юзасидан сизларнинг фикрингиз чора-тадбирлар дастуридан ўрин олади. Бу ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини холис баҳолаш, муаммолар ечими юзасидан вазифаларни тўғри белгилаш имконини беради.

Ҳабарингиз бор, сиёсий партиялар ва парламент фаолиятининг танқидий-таҳлилийдан сўнг ўтган вақт мобайнида партиянинг раҳбар ва масул ходимлари томонидан жойлардаги ҳолат, партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмаларининг фаолиятидаги камчиликлар ўрганилди. Бу дастлаб, партиянинг маҳаллий ва минтақавий ташкилотлари Ижроия кўмиталари йиғилишларида муҳокама қилинди. Бугун ана шу ўрганишлар сарҳисоби юзасидан ҳам фикр алмашамиз.

Шунингдек, Ўзбекистон ХДП ташкилотларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни тубдан кучайтириш лозим. Мурожаатларни имкон қадар жойида ҳал қилишга эътибор қаратиш, бунда маҳаллий кенгашлар қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари имкониятидан самарали фойдаланиш, партия ходимлари билан бирга маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар қабулини изчил йўлга қўйиш талаб этилади.

Келинг, бугунги йиғилишимизни очик-мулоқот, эркин суҳбат тарзида ўтказамиз. Партиянинг фаолиятини кучайтириш учун қандай таклифлар берасиз? Сизни нима ўйлантиряпти, муаммолар ечимини топиш учун нималар қилиш керак?

— Шу пайтга қадар партия ишига юзани қарашлар, сайловчилар, электрот манфаатига алоқадор масалаларни ечишда сусткашликка йўл қўйилган ҳолатлар кўп бўлди, — деди Ҳотамжон Кетмонов. — Лоқайдлигимизни тан оламиз. Тўғри, туман миқёсида тадбирлар ўтказиб келямиз. Лекин фақат тадбир ўтказиш билан иш битмайди. Юқорида тўғри таъкидланди. Амалий ишлаш вақти келди. Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтиш керак. Ҳозирги кунгача электротни ўйлан-

тортишмайди, электрот манфаатларини ҳимоя қилмайди. Мана, оғрикли нукталаримиз қаерда?! Хўш, депутатлар фаолиятини кучайтириш учун нима қилишимиз керак?

— Жуда тўғри масалани кўтардингиз, — деди Ҳотамжон Кетмонов. — Ҳозир сессияда, доимий комиссияларда иштирок этиш масаласида депутатларимизнинг кўзи очилди, деб ўйлайман. Президентимиз маърузасидан кейин ишга ёндашув жиддий ўзгарди. Туман Кенгашида партияимиздан сайланган 13 нафар депутат фаолият юритади. Улар доимий комиссияга 7 масала, сессияга 2 масала киритди. Лекин аҳолини битта-иккита эмас, кўп масалалар ўйлантиради.

Агар депутатларимиз ўз фаолиятига жиддий кўз билан қара-са, сессияга киритиш учун қандайдан қанча масала топилади. Бир мисол. Партияимиз Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган мурожаатларни ўрганиб, уларни сессиялар, доимий комиссиялар муҳокамасига олиб чиқсак, бизга ишонган кўп хайрихоҳлар манфаатини ҳимоя қилган бўламиз. Демак, депутатлар қабулхоналар билан мунтазам алоқа ўрнатиши зарур.

— Ҳақиқатан ҳам, фаолиятимизга виждонан баҳо берадиган пайт келди, — деди Загитота тўман партия кенгаши раиси Мохира Ақромова. — Фикримча, ўрнимиз ҳам, ишимиз ҳам ҳолат орасида бўлиши керак. Бунинг учун партия ходимига ҳам, депутатга ҳам вақт берилиши лозим. Яъни кабинетдан чиқишимиз керак. Шундай пайтлар бўладики, биз ёзув-чизув, қозғовчилик ишларидан бўшмай қоламиз. Юқоридан топшириқ келгани айтилиб, зудлик билан ҳисобот сўралади. Ана шундай вақтларда суҳбатимизни,

битта ёшлар маркази ташкил қилиш масаласида таклиф қилди. У ерда турли спорт ва касб-хуна тўғрисида фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Йиғилишда муаммоларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўриш, муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича партиянинг позициясини мунтазам равишда ҳамда ўз вақтида билдириб бориш устувор вазифа эканлигига эътибор қаратилди.

Шунингдек, қонун ҳужжатларини жойларга етказиш ва ижросини таъминлаш, ушбу фаолиятни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш кераклиги ўқтирилди.

— Фракция ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш кўплаб муаммоларнинг ечилишига хизмат қилади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ҳотамжон Кетмонов фракцияси аъзоси Турсунпўлат Норбоев. — Бунинг учун жойлардаги халқ вакиллари депутатлар ҳамда сиёсий партиялар иштини тартибга солиш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кафолатлаш бўйича қонунчиликка қандай қўшимча ва ўзгариш киритиш кераклиги ҳақида таклифлар айтиши керак. Маҳаллий Кенгашларга амалий ёрдам бериш учун уларни нималар қийнаётганини билишимиз зарур.

Яна бир муҳим масала. Маҳаллий Кенгашлар депутатлик бирлашмалари ва доимий комиссиялар фаолиятини ўрганишимиз. Минг афсуски, баъзи партия гуруҳларимиз қандай масалаларни ўрганиш кераклиги, доимий комиссия ва сессияларда қабул қилинган қарорлар ижроси устидан назорат ўрнатиш, қанча муддатда ҳал бўлиши ва назоратдан чиқариш масалалари бўйича маълумотга эга эмас. Кўп ҳолларда қарорлар ижросига етиб борган унинг жавоблари олинмаганига гувоҳ бўлдик. Аччиқ бўлса ҳам бу гаплар ҳақиқат. Агар бугун мана шу камчиликларни бартараф этишга келишимиз керак, ишимизда ижобий ўзгаришга эриша оламиз.

Партия етакчиси навбатдаги масалага эътибор қаратар экан, оммавий ахборот воситалари имкониятидан самарали фойдаланиш кераклигига алоҳида ургу берди. Турли тадбирбозлик, доимий бир хил аудиторияни йиғиб олиш ва уларга маъруза ўқиш ишларини тугатиш вақти келганини таъкидлади. Биргина лойиҳа кетидан қувмасдан, аҳоли ичига чуқур кириб бориш зарурлиги қайд этилди.

— Фаолиятимизга назар соладиган бўлсак, чиндан ҳам, аудиториядан ташқарига чиқмаганимиз, аҳоли қатламлари орасига кириб бормаганимизни кўрамиз, — деди Тошкент вилоят партия кенгаши раиси Мехрождин Дархонов. — Ўтказилган катта-кичик расмий тадбирларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш билан ўзимизни кўп иш бажаргандек ҳис қилиб юрганмиз.

Мана шу камчиликларимиздан тўғри хулоса чиқариб, яқинда Загитота тумани Учкўприк маҳалласида 11 ташкилот ва идора раҳбарлари билан ҳамкорликда мулоқот ўтказдик. Унда 37 та турли мазмундаги муаммо аниқланди. Ҳозир уларнинг ечими юзасидан чора-тадбирлар олиб берилмоқда. Кўриниб турибдики, одамлар орасига кириб борсак, уларнинг муаммосидан ҳабаб бўламиз.

Ўйлайманки, мана шу йўналишдаги ишларимизни кучайтиришимиз ва ОАВда ёритиб боришимиз лозим. Бунда ўтказилган тадбирга эмас, унинг натижасига эътибор қаратиш керак. Алоҳида руқн остида танқидий-таҳлилий материалларни бериб бориш, муаммолар бўйича таклиф ва муносабатларни кўпайтиришимиз зарур.

Йиғилишда, шунингдек, кадрлар масаласига ҳам ўтхалиб ўтилди. Партия ташкилоти ходимининг салоҳияти партия обрўси ва нуфузини белгилувчи катта омил экани таъкидланди. Шунинг учун партия сафига сиёсий билимга эга, салоҳиятли кадрларни жалб қилиш, мунтазам равишда уларнинг билимини ошириб бориш устувор вазифа экани қайд этилди.

Партиянинг чора-тадбирлар дастурига асосан олимлар ва экспертлардан иборат ишчи гуруҳи тузилиши режалаштирилган. Улар иштирокида давлат бошқаруви органлари ва сиёсий партияларнинг ташкилий тузилмаси, кадрларга қўйилган талаблар, кадрлар тайёрлаш, танлаш, ўқитиш, захирага олиш, юқори лавозимларга ўтказиш ва тавсия этиш фаолияти бўйича халқаро тажриба ўрганилади. Шу билан бирга, олий ўқув юрталарини битираётган ёшлар ўртасида суҳбатлар ўтказиш, уларни партия дастурий мақсадлари, илгари сураётган гоёлари билан таништириш, шу орқали партияда ишлашга мойиллиги бор йигит-қизлар рўйхатини шакллантириш белгиланган. Доимий равишда кадрлар малакасини ошириш натижасида иқтидорли, ташаббускор ва билимли ёшлардан иборат захира тайёрлаб бориш масаласи ҳам чора-тадбирлар режасидан ўрин олган.

Айрим ҳудудларда партия кенгашларига муносиб номзод топиш қийин бўлаётгани таъкидланди. Бунинг сабаби партия ўз гоёларини аҳоли орасида тарғиб қилиш борасида ташаббусни кўлга ололмаётганида, деб баҳоланди. Ҳар бир раҳбар захира кадр тайёрлаб бориши, ўз тажрибасини ёшларга ўргатиши керак.

Бувайда туман кенгаши раиси Хабибахон Тошматов мафқуравий тизимда методик қўлланмалар етишмаслигини айтиб ўтди. Ҳар бир ишни ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ўрганган ҳолда тайёрланган чора-тадбирлар дастури асосида олиб бориш, қўзланган натижани бериши қайд этилди.

— Пленумда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида маҳаллий Кенгашлардаги партия ташкилотлари ва гуруҳлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чоралар белгиланди, — деди Ҳотамжон Кетмонов. — Масалан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида партия гуруҳларининг ижроси қотиблари лавозимлари жорий этилмоқда. Улар маҳаллий Кенгашлар ҳамда партия гуруҳлари томонидан ишлаб чиқилган режа ижросини мунтазам мониторинг қилади. Шунингдек, кўрилатган масалалар юзасидан партия гуруҳларининг ягона позициясини ишлаб чиқади, партия ташкилотлари ва депутатлар ўртасидаги самарали алоқани йўлга қўйишга кўмаклашади.

Бундан ташқари, пленум иштирокчиларига Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияимиз ҳамда партия Марказий Кенгаши, Ижроия кўмита аъзолари, ишчи аппарати ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман кенгашлари раислари рўйхати шакллантирилган қўлланмалар тарқатилди. Бу партия фаоллари ҳамда депутатлар ўртасида мунтазам алоқалар йўлга қўйилишида муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Куннинг иккинчи ярмида депутатлар ҳамда партия ташкилотлари иштини такомиллаштириш масаласига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Унда депутатлар ҳамда партия ходимлари олдига турган устувор вазифаларга тўхталиб ўтилди. Уларнинг фаолиятида самарадорликка эришиш учун нималарга эътибор қаратиш кераклиги ҳақида мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, депутатлик сўрови институтидан тўғри ва унумли фойдаланиш бўйича таклифлар берилди. Депутатлик ҳамда жамоатчилик назоратини изчил олиб бориш юзасидан фикр алмашилди.

Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этади. Қуйи бўғин иштини жонлантириш учун етакчиларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, аъзолар билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш лозимлиги таъкидланди.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши пленумининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.



Давлатимиз раҳбари видеоселектор йиғилишида сиёсий партиялар ҳамда депутатлар фаолиятига оид ҳар бир масалага алоҳида тўхталиб ўтди. Йўналишларга бўлган ҳолда муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда уларнинг ечими юзасидан таклифлар билдирди. Шундан келиб чиқиб, биз партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдига турган устувор вазифаларни белгилаб олдик.

Хусусан, пенсионерларнинг ҳаёт даражасини яхшилаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ногиронларнинг талаб ва эҳтиёжлари, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш учун муҳим чоралар белгиладик. Ушбу йўналишда партия фахрийлари, пенсионерларнинг салоҳияти ва тажрибасидан кенг фойдаланиш мақсадида Марказий, вилоят ва туман кенгашлари қошида «Партия фахрийлар клуби»ни ташкил қилиш режалаштирилди. Бу борда «Нуроний» жамғармаси билан яқин ҳамкорлик ўрнатилади.

Бундан ташқари, партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирликлари фаолияти устидан самарали парламент ҳамда депутатлик назорати олиб бориш кўзда тутилмоқда.

«Давоми. Бошланғичи 1-бетда»

тирган муаммоларни кўпроқ депутатларга юклаб қўйган эмас. Ваҳоланки, биз ҳам аҳолини ташвишга солаётган муаммолар ечими бўйича таклифлар тайёрлашимиз, уларни депутатларга тақдим қилишимиз мумкин эди-ку?..

Туманимизда партияимизнинг 8 нафар депутати бор. Туман партия кенгаши фаолиятини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар белгиладик. Бунда, аввало, депутатлар билан ҳам алоқаларни мустаҳкамлашга эътибор қаратяпмиз. Эндиликда сессияларга киритилаётган масалалар бўйича биз ҳам депутатга таклифларимизни, фикрларимизни мунтазам равишда бериб борамиз.

— Шу ўринда бир масала. Аксарият туман Кенгаши депутатлари ҳудуддаги қайсидир ташкилотга раҳбар. Ҳокимлар эса уларга депутат сифатида эмас, ижро ҳокимияти органи вакили сифатида қарамоқда, — деди Ҳотамжон Кетмонов. — Шу боис, маҳаллий Кенгашларнинг сессиялари асосан расмиятчилик учун ўтказилапти. Лекин бундай ишлаш вақти ўтди. Нега партияимиз депутатларида сайловчиларни, электрот вакилларини ўйлантираётган масалаларни ечишда ташаббускорлик, фаоллик етишмайди? Масала сессияда муҳокама этилаётганда нега аксарият депутатларимиз сукут сақлаб ўтиради, талашмайди,

қилаётган ишимизни ташлаб, идорага қайтишимизга тўғри келади. Бу бизни кўп қийнайди. Аслида бизнинг жойимиз одамлар орасида эмасми?..

Ҳали-ҳамон боқимандалик кайфиятида юрган кишилар бор. Бу масаланинг ечими аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш билан боғлиқ. Иш бошлаш учун кимгадир ҳуқуқий маслаҳат, яна кимгадир молиявий кўмак керак. Кимдир томорқасидан самарали фойдалана олмапти. Биз олдиндан белгилаб бериладиган тадбирлар ўрнига мазкур масалалар юзасидан тарғибот ишларини кучайтирсак, яхши бўларди.

— Шу масалада мен ҳам ўз фикримни билдирмоқчи эдим, — деди Марғилон шаҳар партия кенгаши раиси Муҳаммад Мирзаев. — Худудимиздаги 54 маҳалланинг 23 тасида уйма-уй юриб, суҳбатлар ўтказдик. Адашган ёшлар билан доимий мулоқотни йўлга қўйдик.

Масалан, тадбиркорлик билан шуғулланган ва ҳозирда ишсиз юрган йигитга банкдан имтиёзли кредит ажратилиб, маҳалладан жой берилдиган бўлди. Эндиликда у ўз ишини бошлади. Натижада уйда ўтирган келинлар ҳамда уюшмаган ёшларнинг бандлиги таъминланади.

Йигит-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун, маҳаллий ҳокимият билан келишган ҳолда, ҳар иккита маҳаллада

Ўтказилган катта-кичик расмий тадбирларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш билан ўзимизни кўп иш бажаргандек ҳис қилиб юрганмиз.

Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

Ўзбекистонлик зиёратчиларнинг 459 нафардан иборат дастлабки иккита гуруҳи 7 август куни Тошкент ва Наманган шаҳарларидан Саудия Арабистонига жўнаб кетди. Шу муносабат билан зиёратчиларни тантанали кузатиш маросимлари бўлиб ўтди.

МУБОРАК ҲАЖ МАВСУМИ БОШЛАНДИ

Истиқлол шарофати билан миллий урф-одатларимизни тиклаш, муқаддас динимизни, азиз-авлиёларимизнинг бой меросини чуқур ўрганиш, табаррук қадимжоларини ободонлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз томонидан юртдошларимизнинг ислом динининг улуг арконлари, жумладан, ҳаж ва умра амалларини эмин-эркин, қаноат ва шукроналик билан адо этишлари учун барча зарур шароитлар яратилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан жорий йилги ҳаж мавсумида Ўзбекистонлик зиёратчилар 7 минг 350 нафар қилиб белгиланди. Шу пайтга қадар ҳар йили 5 минг юртдошимиз ҳаж сафарига ва 6 минг умра зиёратларига борганини инобатга олсак, Ўзбекистонликларнинг диний ибодатларни амалга ошириши учун яратилаётган қулайликлар бугунги ривожланиш талабларига ҳамоханг такомиллаштириб борилаётганидан далолатдир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгунча, яъни 1943-1991 йилларда бор-йўғи 140 нафарга яқин юртдошимиз муборак ҳаж сафарига бориш бахтига мушарраф бўлган.

2018 йилдан бошлаб йилга 10 минг ватандошимиз умра амалларини баҳарини имконига эга бўлади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан жорий йилда 150 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва уларга ҳамроҳлик қилувчи фуқаролар имтиёзли равишда ҳаж зиёратига юборилмоқда.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида бўлиб ўтган маросимда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси О.Осупов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси муфтий У.Алимов ва бошқалар мамлакатимизда миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор, жумладан, ҳаж мавсумида жорий этилаётган қулайликлар юртдошларимизнинг кўнгилли кўтариб, мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик ва бағрикенглик муҳитига шукроналик келтиришида муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

Ҳаж мавсумини юқори савияда ташкил этиш учун барча чора-тадбирлар кўриaldi. Зиёратчилар учун қулай шарт-шароит яратилиши, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳаж ва умра амалларини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича Жамоатчилик кенгаши томонидан юртдошларимизга хизмат кўрсатиш ишлари мувофиқлаштириб борилаётди.

Ҳаж ибодатларини тўла-тўқис адо этиш, бу борадаги тартиб-қоидалар, шунингдек, сафар талаблари ҳусусида тушунириш бериш мақсадида жойларда зиёратчилар гуруҳлари учун сафаролди учрашувлари ташкил этилди. Зиёратчиларга қулайлик яратиш мақсадида жорий йилнинг 7-23 август кунлари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Наманган ва Урганч шаҳарларидан Мадина шаҳрига тўғридан-тўғри парвозлар йўлга қўйилди.

Ватандошларимиз Мадина шаҳридаги муқаддас қадимжоларни зиёрат қилганидан сўнг Макка шаҳрига йўл олади. Зиёратчилар учун мавсум давомида меҳмонхона, ошхона ва транспорт хизматлари юқори савияда ташкил этилади.

М.ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири.

ЮКСАК ЭЪТИБОРДАН МУНАВВАР ДИЛЛАР

Сурхондарё вилоятида уй-жойга муҳтож, жисмоний имконияти чекланган фуқароларга Ўзбекистон Президентининг совғаси — янгиланган намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган уй-жойлар тантанали равишда топширилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолини кучли иқтимоий ҳимоя қилиш, кам таъминланган оилалар ва ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилган. 2017 йил мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ташкил этилгани бу борадаги ишлар қилимини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Жойлардаги Халқ қабулхоналарида, сайёр қабулларда фуқароларнинг

хижолат бўлардим. Энди мана бундай уй. Хижолатим янада ортди. Фарзандларим шу муқаддас Ватан равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида сидқиқидилдан хизмат қиладиган муносиб инсонлар бўлиб улғаяди. Менинг армонларимни юзага чиқаради. Ўқсик кўнглимни тоғдан ҳам юксакларга кўтарган давлатимиздан миннатдорман.

Ангор туманидаги Янги турмуш маҳалласида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган замонавий массивга бир йўла уч нафар жисмоний имконияти чекланган фуқаро кўчиб ўтди.

— Эшим 36 да. Оила қурганимга 10 йил бўлди. Уч фарзандим бор, — дейди Наврўз маҳалласида яшовчи II гуруҳ но-

Президентимиз номидан тўланган 2 сотихдан иборат уч хонали уй совға қилинди. Ҳар бир хонада янги мебель ва рўзгор учун зарур бошқа жиҳозлар бор. Шаҳардагидан қолишмайдиган шароит яратилган. Бизнесинг бошимизни силаб, ҳар томонлама гамхўрлик кўрсатаётган давлатимиздан миннатдоримиз.

Зокир Тиллаев Жарқўрғон туманидаги Янгиобод маҳалласида истиқомат қилади. II гуруҳ ногирони. Отаси Раҳмон Тиллаевга тегишли икки хонали квартирада турмуш ўртоғи, икки қизи, ўғли, келини ва невараси билан яшайди. Бундай ҳолдан эзилар, лекин дарди ичиди эди. Мана энди давлатимиз эътибори билан янги бунёд этил-

фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Хожиматов. — «Раис бобо, менинг ҳам кўзларим яхши кўрганида халол меҳнат қилиб, ўзимга муносиб уй сотиб олардим», дер эди доим. Бундан мен ҳам эзилардим. Энди Зокирбойнинг шароити ҳеч кимдан кам эмас. Уйга қаранг, газ плитаси, ошона мебли, телевизор, иситиш мосламалари, бир оила тўқис яшаши учун нима керак бўлса, бари бор. Бу оиланинг янги уйни саранжом-сарашта сақлаб, барчага ибрат бўлишига ишонаман.

Жарқўрғон тумани Алишер Навоий номидаги маҳаллада яшовчи Гулбахор Алланазарова ҳам икки қаватли уйнинг биринчи қаватидаги икки хонали хонадон қалитини қабул қилиб олди. II гуруҳ ногирони, уч йилдан буён икки фарзанди билан аксининг уйида яшоб келаётган эди.

— Мамлакатимизда инсон манфаати ҳар нарсадан улуг эканига Гулбахорга кўрсатилган эътибор мисолида яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик, — дейди унинг ён қўшниси Қўрғон Эгамбердиева. — Бу хонадонда уч оила яшайди. Имконияти чекланган бўлса, фарзандларини ҳеч кимдан кам қилмай улайтиришга интилоқда. Қўли гул тикучи. Лекин ўзига уй қуриб олишга имконияти етмай турган эди. Давлатимиз, ҳукуматимиз эътибор қаратмаса, бу каби замонавий уй-жойлар қаёқда эди, дейсиз. Барчаси учун раҳмат.

Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида Термиз шаҳридан уч, Термиз туманидан тўрт турар жойга муҳтож, жисмоний имконияти чекланган оила 2 сотихдан иборат 2 ва 3 хонали янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уйларда ҳовли тўғрисида ўтказди. Термиз туманидаги Янги ҳаёт маҳалласида яшовчи I гуруҳ ногирони Лазиз Қаҳҳоров оиласи улардан бири.

— Кўп қаватли уйдаги қайнонамнинг 3 хонали хонадонидан 2 бола билан яшоб келдик, — дейди Л.Қаҳҳоровнинг турмуш ўртоғи Сабоҳат Мустанова. — Биз билан бирга яна уч оиланинг ўн аъзоси бир амаллаб кун ўтказардик. Жисмоний имконияти чекланган одамнинг уй қуриб олиши осон эмас экан. Шуларни уйлаб эълардим. Давлатимиз томонидан бизга 3 хонали уй берилишини эшитиб, тилло топган одамдек сунондим. Барчаси учун Президентимиздан миннатдоримиз. Хозир ҳаяжонимни босолмаётиман.

Вилоятнинг Қумқўрғон, Шўрчи, Сароисиб, Олтинчи, Денов, Бойсун туманларида ўтказилган уй топшириш маросимларида ҳам халқимизга хос саховат, меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик каби юксак фазилатлар янада кенг намоён бўлди. Уларнинг уй тўғрисида иштирок этган ёш кекса қалбда юртимизда ушб бераётган янгиланиш ва ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси мустаҳкамланиб, барчани янги марралар сари руҳлантирмоқда.

Тадбирлар доирасида бир гуруҳ кам таъминланган оилаларга замонавий тикув машиналари, 300 дан ортқ фуқарога ногиронлик аравачаси бепул топширилди.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири.



ЎЗА сураги.

мурожаатлари тингланб, аҳолини қийнаётган муаммоларга ечим топилаётгани одамларда ҳаётдан розилик, эртанги кунга ишонч туйғуларини янада мустақамламоқда.

Фуқароларнинг мурожаатлари ва Халқ қабулхоналари томонидан ўтказилаётган сайёр қабуллар таҳлили аёллар, меҳнатга лаёқати чекланган инсонлар учун иқтимоий ёрдамни янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Шунга мувофиқ, Президентимиз ташаббуси билан уй-жойга эҳтиёжманд фуқаролар, айниқса, хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган янги тизим йўлга қўйилди.

Вилоятда уй-жойга муҳтож, жисмоний имконияти чекланган 32 фуқарога имтиёзли кредит асосида уй-жойли бўлиш учун бошланғич бадал тўлови Президентимиз номидан берилгани уларга қулай турмуш шароити яратиб, ҳаётдан рози бўлиб яшаши юзасидан кўрсатилаётган улкан гамхўрликнинг ёрқин намунаси.

Олмагон Абдулалиева I гуруҳ ногирони. Шеробод туманидаги «Узун-сой» маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди. Эски касалхона биносининг икки хонасида 4 жон вақтинча яшоб келган. Бугун унга Президентимиз номидан Тароқли массивидаги 2 сотихдан иборат уч хонали уйнинг қалити топширилди.

— Барча қулайликларга эга бундай уйли бўлишни хаёлимизга ҳам келтирмаганмиз, — дейди Олмагон. — Ногирон бўлганим боис, ўзим хоҳлагандек эл-юртга наф келтирлаётганимдан

гирони Юсуф Маматов. — Бир уйда 20 жон яшоб келаётган эдик. Дунёнинг айрим мамлакатларида уй-жойсиз кўча-кўйда умрини ўтказаяётган инсонлар ҳақида телевизорда кўриб, шуниси ҳам шўқ қилардик. Лекин, кўнглимнинг бир четиди биз ҳам замонавий, кенг уйларда яшармиканмиз, деган армон ҳам бўларди. Яратганга шўқ, давлатимиз гамхўрлиги билан бугун орзумизга эришиб турибмиз. 2 сотихдан иборат 3 хонали уйда барча қулайликлар яратилган.

Узун туманидаги Эриқчилик маҳалласида яшовчи Моҳира Ашуралиева II гуруҳ ногирони. Турмуш ўртоғи ва икки фарзанди билан қайночасига тегишли уйнинг бир хонасида яшайди. Уч оила умргузаронлик қиладиган уйда 12 жон истиқомат қилади. Мамлакатимизда меҳнатга лаёқати чекланган инсонларга кўрсатилаётган иқтимоий ёрдамдан баҳраманд бўлган Моҳира Ашуралиева Янги куч маҳалласида янгиланган намунавий лойиҳалар асосида қурилган арзон уй-жойлардан бирига кўчиб ўтди.

— Болалигимдан ногиронман, — дейди Моҳира. — Ешлигимда тўрт мучаси соғ инсонни бахтли одам, деб ўйлардим. Фарзандли бўлганимдан сўнг, яна бир ҳақиқатни англаб етдим, рўзгорли инсон нафақат соғ, балки кичкина бўлса ҳам ўз уйига эга бўлсагина бахт татир экан. Кўп қаватли уйнинг бир хонасида сикилиб яшоб, айниқса, аёл учун жуда қийин. Мана бугун фарзандларим билан эмин-эркин, ўз уйимда яшоб бахтига муяссар бўлиб турибман. Оиламизга бошланғич бадали

ган икки қаватли замонавий уйдан уч хонали ўз уйига эга бўлди. Бу совғадан, айниқса, 80 ёшни қарши олган отаси Раҳмон ота жуда хурсанд.

— Шу кунгача ўғлимга янги уй берилишига ишонқирамай турган эдим, — дейди Раҳмон бобо. — Қўзларимга ишонмайман. Кампир билан икки қаватли пастқам уйнинг икки хонали квартирасида уч ўғил, уч қизни тарбиялаб, улайтирдик. Меҳмон келиб қолгудек бўлса, каталақдек уйнинг қаерига ўтказишни билмай, хижолат бўлардик. Куч-қувватим бор йилларда раҳбарлардан уй қуриш учун ер сўрайвериб, роса овера бўлганман. Ҳеч ким дардимга қулоқ солмаган. Ушанда томорка ё уй сўрашдан кўнглим безиб қолган эканми, мустақиллик йиллари ҳам дардимни ҳеч кимга айтмадим. Хозир бир қизимиз Тошкентда яшайди. Иккинчи қизим бир этак бола билан турмушдан ақраб келган. Ўғлим Зокиржон фарзандлари, келини ва невараси, кенжа ўғлимиз Акмал, жами 14 жон шу хонадонда яшаётган эдик. Уй йўқлигидан Акмални ҳам уйлантиролмай тургандик. Бугун қувончим ичimgа сиғмапти, суянганимдан тилим айланмапти. Уй-жойга муҳтож инсонларга, ногиронларга гамхўрлик кўрсатаётган Президентимизнинг умрлари узок бўлсин. Тинчлигимизга кўза тегмасин.

Қавм-қариндошлар, ёр-биродарлар, маҳалладошлар ҳам бу оилани янги уй билан қутлашга келди.

— Зокирбойга янги уй берилгангани эшитиб, қуллук бўлсинга келавердик, — дейди «Янгиобод» маҳалла

Миллий матбуот марказида «ЎЗМИЛЛИЙБАНК» ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН МАТБУОТ АНЖУМАНИДА ГАЗЕТАМИЗ МУХБИРИ БАНК МАСЪУЛ ХОДИМЛАРГА ЎЗИНИНГ САВОЛЛАРИНИ БЕРДИ

Ўзбекистон Республикаси Таъшиқат Иқтисодий Фаолият Миллий банки томонидан матбуот анжумани ўтказилди.

— Банкмиз кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш, замонавий техника-технологиялардан фойдаланган ҳолда масофавий электрон хизматлар кўрсатиш қўламини ошириш борасида бир қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Таъшиқат Иқтисодий Фаолият Миллий банкининг стратегик ривожлантириш департаменти бошқармаси бошлиғи Фаррух Абдурахмонов**. — Банкмиз 1992 йилда жаҳондаги 83 энг йирик молия муассасаси билан вақиллик муносабатлари ўрнатган бўлса, жорий йилнинг 1 июлига қадар 80 дан ортқ давлатнинг 700 га яқин халқаро молия муассасасини қамраб олди. Бу Фарбий ва Шарқий

Европа, Америка Қўшма Штатлари, Осиё, Яқин Шарқ, МДҲ ва Африка мамлакатлари ҳамда Австралияни ўз ичига олади.

Бугунги кунда банк тизимининг энг муҳим йўналиши бўлган кредитлаш соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. Иқтисодийнинг муҳим тармоқларини қўллаб-қувватлаш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технология янгилаш, ҳусусий тадбиркорликни, ҳомашё ресурсларидан фойдаланиш ва уларни қайта ишлашга асосланган тармоқларни ривожлантириш ҳам диққат-эътиборда турибди.

Шунингдек, банк тизимли равишда хоржий сармояларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, Хитой давлат тараққиёт банки, Жанубий Корея Эксимбанки, Сумитомо Мицуби Банкинг Корпорейшн (Япония), Ландесбанк (Германия), «Газпромбанк» (Россия), Актиф Банк (Туркия) ва Осиё тараққиёт банки каби дунё молия бозорига етакчилик қиладиган институтлар билан самарали алоқалар йўлга қўйилиб, уларнинг 4,8 миллиард долларлик молиявий сармоялари истиқболли лойиҳаларга жалб қилинди. Шундан кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик соҳасида фаолият юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш учун 1,6 триллион сўм ажратилди...

«Ўзбекистон овози» газетасининг мухбири саволи:

— Бугунги кунда одамлар орасида банклар томонидан аҳолига имтиёзли кредитлар ажратиш борасида чекловлар қўйилаётгани ҳақида гап-сўзлар юртибди. Бу қанчалик ҳақиқатга яқин?

Фаррух Абдурахмонов: — Урилли савол. Бу ҳақда бизга ҳам мурожаатлар бўлди. Лекин шунини ишонч билан айтманки, олдин ҳам хозир ҳам банкмиз томонидан кредит олиш мақсадида мурожаат қилган тадбиркорларимизга уларнинг бизнес лойиҳасини кўриб чиқиб, имтиёзли кредитлар ажратиб бермоқдамиз. Бу борада муаммо йўқ, деди Фаррух Абдурахмонов.

— Одамлар бун пул маблағимизни банклардаги омонатга қўйгандик. Омонатимизни вақтида фоизи билан қайтариб олиш пайти келганда банклар турли баҳоналар билан 2-3 ҳафталаб нақд пулимиз йўқ эди, деб пайсалга солиб чўзиб юради. Бу каби ҳолатлар тақрорланаверса, аҳолини банкка нисбатан ишончи йўқлиб бораверади. Бу масалада қандай фикр билдира оласиз?

Бунёд Эсонбоев Ташқиқат Иқтисодий Фаолият Миллий банкнинг бошқармаси бошлиғи: — Бизнинг банкмизда омонатга пул маблағи қўйётган жисмоний шахсга шартнома тақдим қиламиз. Шартномада қанча вақтга омонат қўйилаётгани ва фоизи қанча бўлиши, қачон олиши кўрсатилган бўлади. Уша вақт келганда омонатнинг ўзини ва фоизини олиш қатъий назоратга олинган. Шу кун омонатни келиб хоҳласа омонати билан фоизини қўшиб олиб кетиши мумкин. Хоҳласа ўзига қулай қўйган омонат пул қўйиб фоизини олиб кетиши мумкин...

Тоштемур ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ф.ҲАСАНОВ, ЎЗА мухбири.

MUASSIS:
Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**
Tahrir hay'ati:
Hotamjon KETMONOV
Musiliddin MUHIDDINOV
Ulug'bek VAFOYEV
Saidkamol XODJAYEV
Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz
MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
r — 838 9236
nuxxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 23:00
To'yshirilgan vaqti — 03:10
Sotuvda kelishilgan narxda



ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Самарқандда «Шарқ тароналари» ўн биринчи халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик ишларига таъинланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси раиси И.Латипов, фестиваль матбуот хизмати раҳбари С.Остонов, Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари А.Умаров ва бошқалар Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1997 йилда ташкил этилган мазкур халқаро тадбир бугунги кунда жаҳон миқёсида нуфузли санъат анжуманига айланганини таъкидлади.

Халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини ошириш, бой тарихимиз, бетақдор маданиятимизни тарғиб этишни мақсад қилган фестиваль иштирокчилари сафи йилдан-йилга кенгайиб, ер юзининг барча қишлоқларини қамраб олди. Қўллаб-қувватлар тадбирнинг доимий иштирокчиларига айланди.

— Хозиргача дунёнинг юздан ортқ давлати вакиллари ҳамда ЮНЕСКО, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Халқаро фольклор санъати ташкилоти, Осиё тараққиёт банки сингари йирик тузилмалар фестивалда иштирок этди, — дейди «Шарқ тароналари» ўн биринчи халқаро мусиқа фестивали ижрочи директори Т.Холиқов. — Бу йилги фестивалда ҳам сайёрамизнинг турли минтақаларидан 120 га яқин жамоа қатнашиши кутилмоқда. Қозоғистон, Исроил, Эрон, Россия, Бельгия, Италия, Канада, Бразилия, Грузиядан бир нечтадан мусиқа жамоалари иштирок этиш истагини билдириб, дирекциямизга мурожаат қилди. Бугунги кунгача улар орасидан 38 жамоа саралаб олинди. Ўн биринчи фестивалда илк бор Ямайка, Малави, Мянма ва Уругвай давлатларидан вакиллар иштироки кутилмоқда. Юртимиздан ҳам 20 га яқин мусиқий жамоадан танловда қатнашиши истаги билдирилган бўлиб, айни пайтда саралаш жараёни давом этмоқда. Умуман, бу йил 56 давлатдан 250 нафар хориклик санъаткорининг Самарқандга келиши режалаштирилган.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали дирекцияси бир қатор хоржий давлатлардаги халқаро санъат фестиваллари билан ҳамкорлик ўрнатган. Жумладан, Жанубий Кореянинг «Андонг» халқаро фестивали, Хитойнинг «Шанхай халқаро санъат» фестивали вакиллари «Шарқ тароналари»га меҳмон сифатида тақлиф этилган. ЮНЕСКО, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти масъул ходимлари, бир қатор давлатларнинг расмий вакиллари фахрий меҳмон сифатида келиши кутилмоқда.

Бу йил фестиваль доирасида «Шарқ халқлари мусиқа маданияти» миллий анъаналарининг шаклланиши ва ривожланиши» мавзусида илмий-назарий конференция ўтказилди. Унда 20 дан ортқ хориклик таниқли мусикашунос олим, мутахассис ўз маърузалари билан иштирок этди.

Фестивалнинг аҳамиятини янада ошириш, дунё ҳамжамияти эътиборини Ўзбекистон мусиқа маданиятига қаратиш мақсадида хориклик мутахассислар иштирокида 20 дан ортқ махсус давра субхати, тақдимот ва маҳорат дарслари ўтказиш режалаштирилган.

Анжуманда фестивалга тайёргарлик бўйича шакллантирилган икки гуруҳлар фаолияти, Самарқанд шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилди.

Ф.ҲАСАНОВ, ЎЗА мухбири.

Navbatchi:
Abdusafim MAHMUDO'V
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZOROV

ISSN 2610-7939
1 2 3 5 6